

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ИСМАИЛОВ ХУСАНБОЙ МАХАМАДҚОСИМ ЎҒЛИ

АЛОҚА КОРХОНАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ
ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

08.00.07–Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2020 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (Doctor of
Philosophy) по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (Doctor of
Philosophy) on economical sciences**

Исмаилов Хусанбой Махамадқосим ўғли

Алоқа корхоналарида молиявий барқарорликни ошириш масалалари3

Исмаилов Хусанбой Махамадқосим ўғли

Проблемы повышения финансовой устойчивости в предприятиях связи.....25

Ismailov Khusanboy Makhammadkosim's son

Issues of increasing financial sustainability in communication enterprises47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ИСМАИЛОВ ХУСАНБОЙ МАХАМАДҚОСИМ ЎҒЛИ

АЛОҚА КОРХОНАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ
ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

08.00.07–Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри– 2020 йил

Иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Iqt609 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tfi.uz) ва "Ziyonet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Жўраев Абдугаффор Сафарович**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Жумаев Нодир Хосиятович**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Курбонов Хайрилла Абдурасулович
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент

Ётақчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил "9" 10 соат 14 дақиқа даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, АмирТемур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.:(99871)-234-53-34, факс: (99871)-234-46-26, e-mail:ilmiykengash@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 60Ауй. Тел.:(998)71-234-53-34.

Диссертация автореферати 2020 йил "16" 10 кун тарқатилди.
(2020 йил "16" 10 дақиқа даги № 38 рақамли реестр баённомаси).


Билан 145
10/11

С.У.Меҳмонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Н.Н.Каландарова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, (PhD)

И.Н.Кўзиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида бугунги кунда кескин рақобат муҳити, инновацион тараққиёт, молиявий технологиялар қўлланиши доирасининг кенгайиб бориши натижасида корхоналар молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Халқаро телекоммуникация иттифоқи, алоқа корхоналари, республикада электрон ҳукуматни жорий этиш, ривожлантириш ва ривожланиш индексидаги ўрнини белгилаш, алоқа корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш, start-up лойиҳаларини қўллаб-қувватлашни самарали ташкил қилиш ҳамда бошқариш масалаларига доир изланишлар натижаларини эълон қилиб келмоқда. Масалан, Европанинг ривожланган мамлакатларида дастурий маҳсулотлардан келадиган даромад мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 15-20 фоизини ташкил этади. Шу билан бирга корхона молиявий барқарорлигини ошириш масалалари корпоратив молия, молиявий менежментни самарали бошқариш услубиёти ва амалиёти нуқтаи назаридан кам тадқиқ қилинган мавзулар қаторига киради. Алоқа корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш масалалари яширин иқтисодиётни олдини олиш, корхонанинг инвестицион жозибадорлигини оширишга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, халқаро миқёсда, мунтазам равишда алоқа корхоналарида молиявий барқарорликни ошириш борасида илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Жаҳон амалиётида алоқа корхоналарида молиявий барқарорликни ошириш бўйича бир қатор тадқиқотлар амалга оширилгани ҳолда уларда ривожланган мамлакатларда бўлгани каби ривожланаётган мамлакатларда ҳам алоқа корхоналари молиявий барқарорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Тадқиқотлар алоқа корхоналарида янги хизмат турларини жорий этиш, алоқа корхоналарида молиявий барқарорликни венчур фондлари орқали такомиллаштириш ва алоқа соҳасида рақобатбардош бозорни таъминлашга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда амалга оширилаётган тадқиқотларда алоқа корхоналарида молиявий барқарорликни ошириш бўйича учраётган муаммоларни ўрганиш ҳамда уларни ҳал этишга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларнинг ишлаб чиқилмаганлиги мазкур йўналишда чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо қилмоқда. Алоқа соҳасида амалга оширилаётган лойиҳаларни янада ислоҳ қилиш, инновацион технологиялар ва илғор хориж тажрибаларини жорий этиш орқали алоқа корхоналари молиявий барқарорлигини оширишга қаратилган масалалар тадқиқот ишининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ахборот технологиялари ва коммуникациялари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, алоқа соҳасида амалга оширилаётган лойиҳаларни молиялаштириш ва лойиҳалар маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан қатъий назорат ўрнатиш ва уни кучайтириш, бу жараённинг очиқлиги ва шаффофлигини

таъминлаш давлат сиёсати даражасидаги муҳим масалалардан бирига айланди. Шу жиҳатдан, бугунги кунда алоқа корхоналарида молиявий барқарорликни ошириш масалаларини кенг ёритиб бериш долзарб масалага айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисидаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги ПФ-5589 сонли “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1013-сонли “Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сонли “Тадбиркорлик ва инновация соҳасида лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.

Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантиришнинг устувор йўналишлари” доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Алоқа корхоналарида ахборот технологияларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий ва молиявий масалалари хорижлик олимлардан Т.В.Теплова, Н.В.Парушина, Ли.Ч., Дж. Финнерти, С.В.Котелкин ва бошқаларнинг ахборот технологиялари фаолиятни ривожлантириш, инвестицион жараёнларни бошқариш, инновациялар маркетинги ва уларни самарали ташкил қилишга бағишланган тадқиқотларида атрофлича кўриб чиқилган¹.

Шу билан бирга, корхоналарда молиявий барқарорликни ошириш масалалари бўйича Л.Рейман, М.Горелик, Е.Голубецкая, Е.Демина, Н.Резникова, Л.В.Глухова, М.А.Мухалёва, Ю.П.Анискин, И.П.Степанова, А.Е.Амбрамешин каби МДҲ олимларининг илмий ишларида ўз аксини топган.

¹ Теплова Т.В. Корпоративные финансы: Учебник и практикум. М.:Юрайт, 2016. Парушина Н.В. Теория и практика анализа финансовой отчетности организаций. М.: Форум; ИНФРА-М, 2010, Ли.Ч, Финнерти Дж. Финансы корпораций: теория, методы и практика / пред. с английским ИНФРА-М, 2000, Котелкин С.В.Международные финансы: Учебник. М.: Магистр; ИНРФА-М, 2015.

Корхона молиявий барқарорлигини оширишнинг назарий-услубий масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар М.И.Баканов, А.Д.Шеремет, Е.С.Смирнов, И.А.Майбуров, шунингдек, республикамиз иқтисодчилари М.Қ.Пардаев, Т.С.Маликов, Н.Х.Ҳайдаров, М.Б.Хамидулин, О.Қ.Абдурахманов, Б.Э.Тошмуродова, Р.Х.Карлибаева, Н.Кўзиева, Ф.Мирзаев, А.С.Жўраев, С.Э.Элмирзаев ва А.У.Бурханов²ларнинг илмий ишларида корхоналарда молиявий барқарорликни ошириш масалаларининг назарий ва методологик асосларининг айрим жиҳатлари ўрганилган. Ушбу илмий ишларда алоқа корхоналарида молиявий барқарорликни ошириш масалалари комплекс тарзда ўрганилмаган. Шу боис, алоқа корхоналари молиясини ташкил этиш ва самарали бошқариш аҳамияти юқорилиги ва ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги, алоқа корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш бўйича амалиётда рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш, унинг назарий-методологик масалаларини такомиллаштириш асосида илмий таклифлар ишлаб чиқиш лозим.

Ушбу долзарб масалаларнинг ҳал этилиши диссертация мавзусини танлаш, унинг мақсади ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация ишини Тошкент молия институти илмий ишлари режасининг “Иқтисодий модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади алоқа корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш масалалари бўйича илмий-амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

алоқа корхоналарида молиявий муносабатларнинг умумий тавсифи, назарий асосларини ўрганиш;

²М.И.Баканов, А.Д.Шеремет. Теория экономического анализа, Инфра-М, 2011, ст. 13 с.367; Е.С.Смирнов Налоговый анализ финансовых результатов коммерческой организации. Автореферат дисс. к.э.н. Орел, 2013.10 с.; И.А.Майбуров Налоги и налогообложение. Ред. 4-е изд. - М.: -558 с. 2011; М.Қ.Пардаев ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил назарияси, Сано-стандарт, Т.: 2014. 336 бет; Т.С.Маликов, Н.Х.Ҳайдаров Молия: умудавлат молияси. Ўқув қўлланма.–Т.: “Иқтисод-молия”, 2009.-556 б.; М.Б. Хамидулин Развитие финансового механизма корпоративного управления. Автореф. дисс. ... док. экон. наук. – Ташкент, 2008. – 40с; О.Қ.Абдурахманов Налоговые системы зарубежных стран, монография, Москва-2006. Б.Э.Тошмуродова Корпоратив молия стратегияси– Т.: “Иқтисод-молия”, 2013. – 128 б. Р.Х. Карлибаева Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини самаради ташкил этиш масалалари. И.ф.д....автореф. – Т., 2018. Н. Кўзиева Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар молия ва кредит механизмининг такомиллаштириш йўналишлари. –Т.: ”IQTISOD-MOLIYA”, - 296 б. Ф.Мирзаев Ўзбекистонда банклараро рақобатни шакллантиришнинг концептуал асослари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати, –Т.: БМА, 2009. А.С.Жўраев ва бошқалар. Солиқ назарияси, ўқув қўлланма, Т: “Иқтисод-молия”, 2019.-376 б.; С.Э.Элмирзаев “Корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини такомиллаштириш” Дис... автореф. и.ф.д.–Тошкент БМА. 2017.30б.;А.У.Бурханов “Саноат корхоналари молиявий барқарорлигини баҳолаш усули” илмий мақоласи, “Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали №6, ноябрь-декабрь, 2018 йил.

алоқа корхоналари молиясини ташкил этиш ва бошқариш соҳасининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

алоқа корхоналари молиявий барқарорлигини аниқлаш зарурлиги, моҳияти ва вазифаларини ўрганиш;

алоқа корхоналари молиявий барқарорлигининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

алоқа корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш вазифаларини инobatга олган ҳолда жалб қилинган инвестицияларни таҳлил қилиш;

алоқа корхоналари молиявий барқарорлигини оширишнинг истиқболли йўналишларини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти алоқа корхоналари, жумладан “Ўзбектелеком” АК молиявий фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети алоқа корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида илмий мушоҳада, абстракт-мантиқий фикрлаш, суҳбат, индукция, дедукция, статистик, иқтисодий, молиявий, корреляцион-регрессион таҳлил, эксперт баҳолаш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

корпоратив солиқ хизматини жорий қилиш асосида корхона молиявий барқарорлигини ошириш ҳамда ички солиқ назоратини ташкил этиш асосланган;

харидорлар кўламини оширишда корхонада молиявий режалаштиришга тўлов интизомига риоя этиш механизминини киритиш таклиф этилган;

натижавийликка асосланган бюджетлаштириш тизимини жорий қилиш асосида корхонанинг молиявий барқарорлигини ошириш асосланган;

молиявий стратегиянинг алоқа корхоналарида молиявий менежментнинг самарали воситалари ва оптимал таркибини танлашнинг фойдани максималлаштириш концепцияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

алоқа корхоналари молиявий барқарорлигини оширишнинг аҳамияти ва муҳимлилик даражаси асослаб берилган;

алоқа корхоналари молиясини бошқаришнинг ҳозирги ҳолати ўрганилиб чиқилган ва молиявий барқарорликни ошириш йўллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

алоқа корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш вазифаларини инobatга олган ҳолда, уларда инвестицион жозибадорлигини ошириш йўллари асослаб берилган;

алоқа корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш истиқболлари юзасидан хориж тажрибаси атрофлича ўрганилиб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда фойдаланилган ахборот базасини ишончлилиги уларнинг расмий манбалардан олинганлиги билан, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг

ишончилиги ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган устувор йўналиш ва дастурларга қай даражада мувофиқлиги ҳамда тегишли хулосаларни мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этишга қабул қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган илмий-амалий таклифлардан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва унинг тасарруфидаги корхоналарда молиявий барқарорликни оширишга оид назарий-методологик ва услубий аппарат шакллантирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, алоқа корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш бўйича олинган хулоса ва назарий билимлардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда унинг тасарруфидаги корхоналарда, Тошкент молия институтининг ўқув дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар, маърузалар матни, ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Алоқа корхоналарида молиявий барқарорликни ошириш масалалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

корпоратив солиқ хизматини жорий қилиш асосида корхона молиявий барқарорлигини ошириш ҳамда ички солиқ назоратини ташкил этиш таклифи “Ўзбектелеком” АКнинг солиқ ҳисоботларини тузишда фойдаланилган (Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази “UNICON.UZ” нинг 2020 йил 25 майдаги 5-5/826-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши натижасида 2019 йил ўтган даври учун фойда солиғи бўйича 67,38 миллион сўм, қўшилган қиймат солиғи бўйича 63,27 миллион сўм, жами 140,65 миллион сўм бюджетга қўшимча тўловлар ўтказилиши лозимлиги аниқланган;

харидорлар кўламини оширишда корхонада молиявий режалаштиришга тўлов интизомига риоя этиш механизмини киритиш таклифи “Ўзбектелеком” АКнинг молиявий ҳисоботларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази “UNICON.UZ” нинг 2020 йил 25 майдаги 5-5/826-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни қўлланилиши натижасида 2736 млн. сўм маблағ акциядорлик компанияси ихтиёрида қолдирилган ва тежаб қолинган сумма корхонани техник ва технологик янгилашга, истеъмолчиларга хизмат турларини кўпайтириш имкониятини яратган.

нативавийликка асосланган бюджетлаштириш тизимини жорий қилиш асосида корхонанинг молиявий барқарорлигини ошириш таклифи “Ўзбектелеком” АКнинг Навоий филиалида бизнес режа ишлаб чиқишда фойдаланилган (“Ўзбектелеком” АК Навоий филиалининг 2020 йил 22 июлдаги 54-02-02/872-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши натижасида 2019 йил якуни бўйича “Корхона бюджетининг

мукаммаллаштирилиши” натижасида тегишли лойиҳалар бўйича харажатларни самарали бошқариш, мажбуриятларни вақтида тўлиқ ижро этиш ва даромадлардан самарали фойдаланиш ҳисобига компаниянинг ихтиёрида қоладиган соф фойда миқдорининг режадагидан 12,4 фоизга ўсишига эришилди ва бунинг асосида корхона молиявий барқарорлиги ошиши таъминланди.

молиявий стратегиянинг алоқа корхоналарида молиявий менежментнинг самарали воситалари ва оптимал таркибини танлашнинг фойдани максималлаштириш концепциясини ишлаб чиқиш таклифи “Ўзбектелеком” АКнинг Навоий филиали самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (“Ўзбектелеком” АК Навоий филиалининг 2020 йил 22 июлдаги 54-02-02/872-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон қарорига асосан “Ўзбектелеком” АК Навоий филиали фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари режасининг 2019 йил якунларига биноан бажарилиши натижалари тасдиқлашича, мутлақ ликвидлик коэффициенти режадаги 0,2 ўрнига ҳақиқатда 0,26 ни, молиявий мустақиллик коэффициенти режадаги 1,5 ўрнига ҳақиқатда 1,53 ни, меҳнат унумдорлиги режадаги 30 000 ўрнига ҳақиқатда 38 364 ни ташкил этдган ва экспорт параметрларини бажарилиш кўрсаткичи режаси 5,2 фоизга ошириб бажарилишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган ва ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 3 таси импакт факторли хорижий илмий журналларда ҳамда 7 та тезис нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 163 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, миллий иқтисодиёт ривожланишининг устувор йўналишларига монандлиги аниқланган. Шунингдек, киришда тадқиқот ишининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён этилган, натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар сони ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертация ишининг “Алоқа корхоналари молиявий барқарорлигини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг назарий асослари” номли биринчи бобида Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологияларининг ривожланиш тенденциялари ва алоқа корхоналари молиясининг хусусиятлари, корхона молиявий барқарорлиги тушунчасининг концептуал моҳияти, турлари ва асосий тавсифлари, корхона молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар, шунингдек, корхона молиявий барқарорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари тадқиқ этилган.

Алоқа корхоналари тараққиёти ва улар молиявий муносабатларини такомиллаштириш ўзаро боғлиқ муаммолардандир. Мамлакатимизда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тараққиёти билан молия муносабатлари ҳам янги замонавий талаблар асосида ривожланиш учун муҳим туртки олди. Шу билан бирга, молия муносабатлари алоқа корхоналари тараққиётини рағбатлантиришнинг муҳим дастакларига эгадир. Бу нарса шу билан боғлиқки, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги таркибида мукамал тақсимот тизимининг яратилиши натижасида марказлашган ва резерв фондларининг ташкил этилиши орқали кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш имкониятларининг янада мустаҳкамланишига эришиш ҳамда турли солиқ имтиёзларининг қўлланилиши мақсадида алоқа корхоналари келгуси инновацион тараққиёти учун қулай иқтисодий шароитлар яратилади.

Инновацион ривожланиш ва коммуникацион технологиялар асри деб тавсифланаётган ҳозирги шароитда алоқа корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш вазифаларини аниқлаш ўта муҳим муаммолардандир. Мазкур шароитда алоқа корхоналари фаолиятининг амалий тажрибаси етишмаслиги билан боғлиқ объектив сабабларга кўра, Ўзбекистон Республикасида алоқа корхоналари молияси деярли ўрганилмади.

Алоқа корхоналарида молиялаштириш манбалари сифатида корхонанинг ўз маблағлари, давлатнинг махсус имтиёзли кредитлари тижорат банкларининг Имтиёзли кредитлаш жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик ва инновация соҳасида лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сонли Фармонига мувофиқ венчур фонди маблағлари (жумладан, ушбу фармонга асосан мамлакатимизда илк бор ташкил этилган “Astron” венчур фонди иқтисодиётимиз ривожланишига ўз ҳиссасини қўша оладиган самарали лойиҳаларни танлаб олиб, юқори потенциалга эга, даромад келтирадиган венчур лойиҳаларига инвестиция қилиш фаолияти билан шуғулланади), турли молиявий фондлардан хорижий валютада олинган мақсадли имтиёзли кредитлар, тижорат банклари қисқа муддатли кредитлари, қимматли қоғозлар чиқариш ва сотишдан тушган маблағлар ва бошқалар майдонга чиқиши мумкин.

Ҳозирги кунда иқтисодий адабиётларда молиявий барқарорлик мазмунини тушунишнинг турлича ёндашувлари ва вариантлари учрайди. Жумладан, И.А.Павлова фикрича, корхона молиявий барқарорлигининг моҳияти “унинг шундай молиявий ҳолатидирки, унда корхонанинг хўжалик фаолияти унинг барча мажбуриятларини таъминлашга имкон беради”³.

И.Н.Омельченко ва Е.В.Борисовалар фикрича, “молиявий барқарорлик-доимий тарзда бозор конъюнктураси ўзгариб бориши шароитида корхонанинг ўз молиявий стабиллигини сақлаб қолиш қобилиятидир”⁴.

Л.Т.Гиляровская ва А.А.Вехоревалар таъкидлашича, корхона молиявий барқарорлиги тушунчаси унинг шундай ҳолатидирки, бунда мавжуд ресурсларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида нафақат тўловга лаёқатлилиқ таъминланади, балки шу билан бирга фойда ва капиталнинг ўсишига эришиш мақсадидаги ривожланишга ҳам эришилади”⁵.

Э.В. Исаева қарашича, корхона молиявий барқарорлиги—бу молиявий ҳолатнинг илгаригидан кўра яхшиланган ҳолатдаги ўсиб боришидир”⁶.

Юқорида билдирилган фикрларнинг умумлашма таҳлили “молиявий барқарорлик” тушунчаси моҳиятини тушунишга уч хил ёндашув мавжудлигини кўрсатди.

Биринчи ёндашув мазкур тушунчани тор маънода тушунишни изоҳлайди ва хўжалик субъекти молиявий ҳолатининг кўрсаткичларидан бири сифатида талқин этади.

Иккинчи ёндашув вакиллари эса, ўз навбатида, ушбу тушунча мазмунининг талқинида асосий эътиборларини корхона ишчан фаоллиги ва ишончлилиги орқали ифодаланувчи рақобатбардошлиқ ва корхона ҳамда унинг ҳамкорлари иқтисодий манфаатлари самарали ижросининг кафолати бўлмиш молиявий барқарорлик кўрсаткичлари баҳоланишининг зарурлигига қаратадилар.

Ва ниҳоят, учинчи ёндашув вакиллари корхона молиявий барқарорлигини молиявий ресурсларнинг самарали шаклланиши, тақсимланиши ва ишлатилиши билан боғлайдилар⁷.

Корхоналарнинг молиявий барқарорлиги муаммолари моҳиятига кўра қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, ҳозирги кунда иқтисодиётнинг турли субъектларида кузатилаётган беқарорлик ҳолатларини бартараф этиш иқтисодиёт самарадорлигини ошириш ва харажатларни мақсадли амалга оширишнинг муҳим йўналиши ҳисобланади, чунки нотенглик ҳолатларининг турли заиф

³ «Анализ и прогнозирование финансовой устойчивости организации с учетом жизненного цикла на основе интегрального показателя». И.А. Павлова// Финансы и кредит, 2017г., 23 (июнь), с. 71-75.

⁴ Омельченко И.И. Финансово-экономическая стабильность как составная часть организационно-экономической устойчивости предприятий // Вестник машиностроения. 2017. № 4. С. 65.

⁵Гиляровская Л.Т, Вехорева А.А. Анализ и оценка финансовой устойчивости коммерческого предприятия. СПб., 2013. С. 13.

⁶Исаева Э.В. Проблемы определения сущности понятия «финансовая устойчивость предприятия» // Проблемы экономики. 2018. № 2. С. 80.

⁷Елецких С.Я. Анализ теоретических подходов к трактовке сущности понятия «финансовая устойчивость предприятия» // Экономика промышленности 2018. № 1. С. 190.

нуқталари мавжудлиги молиявий ресурслардан тўлиқ ва унумли фойдаланишни талаб этади.

Иккинчидан, молиявий сиёсатнинг ресурслардан самарали фойдаланишга асосланиши ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга қаратилган. Шунинг учун иқтисодий таълимотда ва амалиётда молиявий ресурслар барқарорига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Учинчидан, ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмини қисқартириш йўли билан барқарорликни мустаҳкамлашда чекланган самарага эришиш мумкин. Чунки бу иқтисодий ўсиш даражасига салбий таъсир кўрсатади, иш ҳамда харажатларни тўлақонли амалга ошириш даражаси пасайишига олиб келиши эҳтимоли мавжуд.

Тўртинчидан, харажатларни қаноатлантириш жараёнида барқарор ўсишни таъминлаш қатъийликни талаб этади. Бунда иқтисодиётни ривожлантиришнинг мажмуавийлигига риоя қилиш, иқтисодиётдаги заиф бўғинларни бартараф этиш лозим бўлади. Шунинг учун иқтисодиётнинг бош бўғинлари ва ривожланиш йўналишларини ажратиб олиш ҳамда молиявий ресурслар айнан шу бўғинларда марказлаштирилишининг мақсадга мувофиқлигини асосли тарзда баҳолаш талаб этилади.

Диссертация ишининг “Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида алоқа корхоналари молиявий барқарорлиги таҳлили” номли иккинчи бобида Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологиялари тараққиёти шароитида “Ўзбектелеком” АК молиявий-хўжалик фаолияти натижаларининг умумий тавсифи, ҳозирги замон ташқи ва ички омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда корхона молиявий ҳолати барқарорлигининг таҳлили, корхона молиявий барқарорлиги асосий кўрсаткичларининг баҳоланиши, алоқа корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш омиллари ва имкониятларининг регрессион таҳлиллари натижасида қатор хулоса ва тавсиялар шакллантирилган.

1-жадвал

2015-2019 йилларда “Ўзбектелеком” АКнинг жами даромадлари таркиби (ҚҚСсиз), млн. сўм⁸

№	Кўрсаткичлар номи	Йиллар					2019 й.да 2015 й.га нисбатан, %
		2015	2016	2017	2018	2019	
1	Асосий фаолиятдан олинган даромад	884900	1022000	1450800	2047432	2 217 584	250,1
2	Бошқа даромадлар	25670	30980	36784	42 800	36 604	142,6
3	Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар	12890	14000	15464	19624	99 220	769,7
	Жами	923460	1 066980	1 503048	2 109 856	2 353 408	254,8

⁸“Ўзбектелеком” АК ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2019 йилда асосий фаолиятдан олинган даромадлар 2217,5 млрд. сўмни ташкил этди, 2015 йилга нисбатан ўсиш суръати 2,5 мартани ташкил этди.

Корхоналар молиявий барқарорлик кўрсаткичларини аниқлашда корхонанинг асосий фаолиятдан олинган даромадлар таркиби асосий вазифани бажаради. Қуйидаги 2-жадвалда “Ўзбектелеком” АКнинг 2015-2019 йиллар оралиғида асосий фаолиятдан олинган даромадларини келтириб ўтамиз. Компаниянинг асосий фаолиятдан олинган даромадлар таркибини ўрганиш натижасида даромадларнинг манбаларидаги маълум тафовутлар борлиги аниқланди. Ушбу тафовутларни қуйидаги жадвал маълумотлари асосида кўриб чиқамиз.

2-жадвал

2015-2019 йилларда “Ўзбектелеком” АКнинг асосий фаолият даромадлари таркиби, млн. сўм⁹

№	Даромад турлари номи	Йиллар					2019 й.да 2015 й.га нисбатан, %
		2015	2016	2017	2018	2019	
1	Халқаро операторлардан олинган даромад	353960	360 522,1	609 748,9	958 740	806 944	228,0
2	Каналларни ижарага беришдан олинган даромад	51345	56 900,8	57 485,2	131 992	212 864	414,6
3	Симли телефон алоқа хизматидан олинган даромад	56742	62 396,2	65 801,4	150 364	135 552	238,9
4	Маълумот узатиш тармоғидан олинган даромад	69564	77 521,7	79 442,2	373 012	427 600	614,7
5	Мобил алоқа хизматидан олинган даромад	169890	199 024,9	312 217,2	413 236	609 416	358,7
6	Дата-марказ хизматидан олинган даромад	101654	103 445,9	213 943,2	20	1 724	1,7
7	Интеллектуал хизматлардан олинган даромад	865	996,1	1 043,2	504	1 392	161,0
8	Телеграф алоқа хизматидан олинган даромад	56890	44 549,2	99 466,0	876	1 112	2,0
9	Қурилма сотувидан олинган даромад	865458	905 356,8	1 439 147,5	7 044	3 820	0,4
10	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	10453	13 452,9	11 696,4	11 644	20 160	192,9
	Жами	884900	918 809,7	1 450 843,9	2 047432	2 217 584	251,0

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики:

⁹“Ўзбектелеком” АК йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.


2019 йилда халқаро алоқа операторларидан олинган даромад 806,9 млрд сўмни ташкил этди, 2015 йилдагига нисбатан ўсиш 2,3 мартани, асосий фаолиятдан олинган даромаддаги улуши 36,4 фоиз. Халқаро операторлардан олинган даромад бўйича 2019 йил учун бизнес режа бажарилмаган бўлсада, Компанияга Вазирлик томонидан белгиланган экспорт режаси 100,2 фоизга бажарилган. Компания томонидан белгиланган бизнес режа кўрсаткичини 2019 йил якунлари бўйича тўлиқ бажарилиши юзасидан тегишли чоралар кўрилмоқда;

каналларни ижарага беришдан олинган даромад 212,9 млрд сўм, 2015 йилдагига нисбатан ўсиш суръати 4,1 марта, асосий фаолиятдан олинган даромаддаги улуши 9,6 фоиз;

симли телефон алоқа хизматларидан олинган даромад 132,4 млрд сўмни ташкил этди, 2015 йилдагига нисбатан ўсиш суръати 2,4 марта, 2019 йилда асосий фаолиятдан олинган даромаддаги улуши 6 фоиз. Шундан, шаҳарлараро ва халқаро алоқа хизматидан олинган даромад 2019 йилда 41,2 млрд.сўмни ҳамда маҳаллий телефон алоқасидан даромад 91,6 млрд. сўмни ташкил этди;

маълумот узатишдан олинган даромад 2019 йилда 427,6 млрд.сўмни ташкил этди, 2015 йилдагига нисбатан 6,1 марта, 2019 йилда асосий фаолиятдан олинган даромаддаги улуши 19,3 фоиз;

мобил алоқа хизматларидан олинган даромадлар 2019 йилда 609,6 млрд. сўмни ташкил этди, 2015 йилдагига нисбатан ўсиш суръати 3,6 марта, 2019 йилда асосий фаолиятдан олинган даромаддаги улуши 27,5 фоизни ташкил филган.



1-расм. 2018-2019 йилларда “Ўзбектелеком” АКнинг асосий фаолият даромадлари улуши¹⁰

1-расм маълумотлари кўрсатишича, 2018-2019 йилларда “Ўзбектелеком” АКнинг асосий фаолият даромадлари таркибида улуш

¹⁰“Ўзбектелеком” АК маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

пасайиши тенденцияси кузатилган даромадларга - халқаро операторлардан олинган даромадни (улуш пасайиши 11%), симли телефон алоқа хизматидан олинган даромадни (улуш пасайиши 1%), улуш ўсиши кузатилган даромадларга эса – мобил алоқа хизматидан даромадни (улуш ўсиши 8%), каналларни ижарага беришдан олинган даромадни (улуш ўсиши 3%), маълумот узатиш тармоғидан олинган даромадни (улуш ўсиши 1%) кўрсатиш мумкин.

“Ўзбектелеком” АК мамлакатимизда миллий оператор мақомига эга бўлган йирик компания ҳисобланади, шунингдек компаниянинг республикаимизнинг барча ҳудудларида филиаллари мавжуд. Қуйидаги 3-жадвалда компания томонидан асосий фаолиятдан олинган даромадларнинг филиаллар кесимидаги таҳлилини келтириб ўтамыз.

3-жадвал.

2015-2019 йилларда “Ўзбектелеком” АКнинг филиаллар кесимида асосий фаолият даромадлари, млн. сўм¹¹

№	Филиаллар номи	Йиллар					2019й.да 2015 й.га нисбатан, %
		2015	2016	2017	2018	2019	
1	Қарақалпоғистон Республикаси филиали	13233	14 377,2	28 560,2	16 920	21784	164,6
2	Андижон филиали	11777	14 119,2	28 560,2	15204	17052	144,8
3	Бухоро филиали	17022	20 320,2	27 745,7	24112	28960	170,1
4	Жиззах филиали	2807	5 597,4	6 605,0	3796	4856	173,0
5	Қашқадарё филиали	7553	10 725,0	14 406,3	9788	11684	154,7
6	Навоий филиали	12221	13 950,0	16 219,1	14632	16088	131,6
7	Наманган филиали	12180	13 602,1	23 463,8	16172	19092	156,7
8	Самарқанд филиали	6549	8 354,7	11911,2	12820	19020	290,4
9	Сурхондарё филиали	5009	7 961,2	10 043,2	7056	7292	145,6
10	Сирдарё филиали	6942	9 178,3	11 476,2	9448	11036	159,0
11	Фарғона филиали	13595	17 346,4	25 770,3	19848	22268	163,8
12	Хоразм филиали	12060	13 213,8	18 385,2	17508	20636	171,1
13	Тошкент филиали	17127	24 984,8	36 365,9	36400	44936	262,4
14	“Т ва ПРМ” филиали	123	112,2	139,5	64	176	143,1
15	“ТГТ” филиали	1987	3 063,5	3 104,6	172	208	10,5
16	“БКМ” филиали	24356	31 927,3	40 486,7	2080	9052	37,2
17	“ТШТТ” филиали	111978	117 944,0	154 522,5	179064	190792	170,4
18	“Савдо ва хизмат кўрсатиш маркази” филиали	0	0	0	0	36908	-
19	“ЎзМобайл” филиали	71370	105 425,6	217 540,4	417284	614476	861,0
20	Ижро аппарати	510865	432 976,3	740 070,9	1247168	1121276	219,5
	Жами	884869	1022000	1 450 843,9	2049532	2217584	250,6

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадики, 2015-2019 йилларда “Ўзбектелеком” АКнинг филиаллар кесимида 20 та таркибий бўғин ичида даромадларнинг асосий улуши “ЎзМобайл” филиалига (2019 йилда 20,4%) ва Ижроия аппарати (2019 йилда 60,9%) тўғри келади.

¹¹“Ўзбектелеком” АК маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Молиявий барқарорликнинг кўпгина коэффициентлари таҳлилидан келиб чиққан ҳолда ва корхона молиявий ҳолатини кенгроқ акс эттириш мақсадида мутлақ кўрсаткичларга қўшимча сифатида алоқа корхоналари молиявий барқарорлигини баҳолаш учун қуйидаги коэффициентлар билан чегараланиш зарур.

Қуйида келтирилган (4-жадвал) молиявий барқарорликнинг мутлақ ва нисбий кўрсаткичлари орқали алоқа корхоналари молиявий барқарорлигини оқилона баҳолаш ва улар корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, уни ошириш бўйича ташкилий-иқтисодий механизмлар ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

4-жадвал

Молиявий барқарорлик коэффициентлари таснифи¹²

№	Коэффициент номи	Формула	Меъёрий даражаси
1.	Мутлақ ликвидлилик коэффициенти	(Пул маблағлари + Қисқа муддатли қўйилмалар)/Қисқа муддатли мажбуриятлар	0,2 дан юқори (оптимал даража 0,2- 0,35)
2.	Тўлов қобилияти (жорий ликвидлилик) коэффициенти	Жорий активлар/Қисқа муддатли мажбуриятлар	2,0 ва ундан юқори
3.	Молиявий мустақиллик коэффициенти	Ўз маблағлар манбалари/Баланс активи бўйича	0,5 дан юқори, (оптимал даража 0,65- 0,75)
4.	Ўз ва қарз маблағлари нисбати коэффициенти	Ўз маблағлар манбалари/Қисқа муддатли мажбуриятлар	1 дан юқори
5.	Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	Жорий активлар/Ўз маблағлар манбалари	0,1 дан юқори
6.	Дебиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффициенти	Маҳсулотларни сотишдан соф тушум/Дебиторлар	Мах
7.	Кредиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффициенти	Маҳсулотларни сотишдан соф тушум / Кредиторлик қарзлари	Мах
8.	Баланс фойда меъёри коэффициенти	Маҳсулотларни сотишнинг ялпи фойдаси/Маҳсулот сотишдан соф тушум	Мах
9.	Соф фойда меъёри коэффициенти	Соф фойда/Маҳсулот сотишдан соф тушум	Мах

Умуман, корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, корхоналар жорий ликвидлилик даражасини ошириш учун ўз пул маблағларидан бир қисмига қимматли қоғозлар сотиб олиш механизмини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ. Бу эса, қимматли қоғозларни тез фурсатда сотилиши ва нақд пулга айланиши нуқтаи назаридан бошқа корхона ҳамда хўжалик юритиш субъектларига нақд пул кўринишидаги мажбуриятларни тўлаб бериш имконини яратади.

Иккинчидан, корхоналар фаолиятига сарфланаётган сармоя ва уларни ўзини-ўзи қоплаш даражаси беқарор бўлиб, уни барқарорлаштириш учун корхонанинг истиқболдаги инвестиция сиёсатини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, бугунги кунда корхоналарда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун уни молиялаштириш имкониятини ошириш, яъни олинган

¹² Бурхонов А.М. Саноат корхоналари молиявий барқарорлигини баҳолаш усули номли мақоласидан. “Иқтисодий ва инновацион технологиялар” журнали. 2018 йил №6 ноябрь-декабрь.

фойда ҳисобидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхонани модернизация ва техник қайта жиҳозлаш лозим.

Тўртинчидан, корхоналарда ўз маблағларига бўлган эҳтиёжларни қондириш учун корхонанинг тегишли манбалари ва ташқи узоқ ва қисқа муддатли маблағларда фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Бунда олинган қарзларни ўз вақтида қайтариш механизмини ишлаб чиқиш талаб этади. Бешинчидан, корхона захиралари айланувчанлиги коэффиценти таҳлил қилинаётган корхоналарда юқори бўлиб, бугунги кунда корхоналар ўз активларини самарали бошқармоқда. Бироқ, бу ерда захираларнинг етишмаслик хатарлари ошади. Шу нуқтаи назардан, активларни бошқаришни захиралар уйғунлигида амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Олтинчидан, корхоналарнинг ўз мажбуриятларидан халос бўлиши учун корхоналар айланма маблағларини нақд пулга айлантиришнинг самарали тизимини амалга ошириши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, корхоналар захира ва харажатларни тайёр маҳсулотга айлантириб, сотиш ва дебиторлик қарзларини олдиндан ундириш механизмини ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириши мақсадга мувофиқ.

Корхоналар молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллар натижасида “Ўзбектелеком” АҚда 2015-2019 йилларда 1 Мбит/с тезликдаги интернет нархининг ўзгариш динамикасини таҳлил қилиб чиқамиз.



2-расм. 1 Мбит/с тезликдаги Интернет нархининг ўзгариши.¹³

2019 йил якунлари бўйича Вазирлик томонидан экспорт хизмати АҚШ доллари валюта қийматида белгиланган режаси 100,2 фоизга бажарилиб, 95,2 млн АҚШ долларини ташкил этди (режа 94,8 млн АҚШ долл.)

Халқаро пакетли коммутация маркази (ХПКМ) га уланган ташқи интернет каналлари тезлиги 2018 йил 31 декабр ҳолатига 459 034 Мбит/с

¹³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ташқил этган. 2019 йил 1 апрел ҳолатига мазкур кўрсаткич ўзгаришсиз қолди.

Сотиб олинаётган 1 Мбит/с ташқи Интернет канал нарҳини 2018 йил 31 декабр ҳолатига 2,68 АҚШ долларигача пасайишига эришилди. 2019 йил 1 апрел ҳолатига мазкур кўрсаткич ўзгаришсиз қолди.

Компания - экспорт имкониятларини хорижий алоқа операторларига кўрсатиладиган халқаро хизматлар ҳажмини ошириш (транзит хизматини кўрсатиш) орқали, шунингдек Афғонистон йўналишида халқаро хизматларни кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида чет эл операторлари билан имзоланган Меморандумлар доирасида:

“Транстелеком” АК билан Ўзбекистон/Қозоғистон чегарасида янги чегаравий Синдаробод-Атамакен халқаро ўтиш нуқтасини қуриш бўйича ўзаро алмашинув тўғрисида Меморандум имзоланиб қурилиш ишлари олиб борилмоқда;

Ўзбекистон-Афғонистон чегара олди ўтиш нуқтасини ташқил қилиш бўйича Afghan Wireless Communication Company (AWCC) компанияси билан қурилиш ишлари якунланиб, тижорий эксплуатацияга қабул қилинди;

“Etisalat” МЧЖ ва MTN Afghanistan билан Ўзбекистон/Афғонистон чегарасида янги чегаравий Термез-Хайратон халқаро ўтиш нуқтасини қуриш бўйича ўзаро алмашинув тўғрисида Меморандум имзоланиб қурилиш ишлари олиб борилмоқда;

Халқаро Пакетли коммутация марказига уланган оператор ва провайдерлар учун ташқи интернет-канал 1 Мбит/с нарҳи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,5 баробарга арзонлаштирилиб, 244 958 сўмдан 70 128 сўмгача туширилди.

Қуйидаги 5-жадвалда “Ўзбектелеком” АКнинг фаолият прогнозини келтириб ўтамиз.

5-жадвал

“Ўзбектелеком” АК фаолияти прогнози (млрд. сўм)¹⁴

Йиллар	Соф фойда, Y	Жалб этилаётган инвестициялар, X1	Кредиторлик қарзлари, X2	Умумий даромадлар, X3	Умумий харажатлар X4
2018 (ҳақиқатда, 9)	79,9	3352,9	956,5	1780,1	1520,7
2019 (прогноз 10)	85,7	3680,1	1020,2	2087,3	1994,6
2020 (прогноз 11)	92,1	4007,3	1083,9	2241,5	2089,3
2021 (прогноз 12)	98,4	4334,5	1147,6	2355,7	2236,6
2022 (прогноз 13)	107,8	4661,7	1211,3	2469,9	2297,9
2023 (прогноз 14)	113,1	4988,9	1275,0	2684,1	2459,2
2024 (прогноз 15)	121,4	5316,1	1338,7	2798,3	2499,5

¹⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Жадвал натижаларига кўра, “Ўзбектелеком” АК фаолиятида 2024 йилга бориб, жалб этилаётган инвестициялар 5316,1 млрд. сўм, кредиторлик қарздорлиги 1338,7 млрд. сўм, умумий даромад 2798,3 млрд. сўм ва умумий харажатлар 2499,5 млрд. сўмга етган ҳолатда соф фойда 2018 йилга нисбатан 51,9 фоизга ошиб, 121,4 млрд. сўмга етиши кутилмоқда.

